



РОБОТАТЕХНИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШДА ТЕРМИНОЛОГИК ЛЕКСИКАНИНГ ЎРНИ

Урунова Шахло Рафиковна ¹

¹ Андижон машинасозлик институти
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ассистенти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.5812796>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 15-Dekabr 2021
Chop etildi: 20-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

касбий компетенция,
лексика, терминология,
робототехника,
технология.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада робототехника йўналишидаги талабаларнинг касбий лаёқатини ошириш ва уларга чет тилида лексик терминологияни ўқитишнинг ривожлантириш аҳамияти ва вазифалари кўрсатиб ўтиш белгиланган.

Усуллари: Ушбу мақолада назарий таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, диагностик ва бошқа усуллардан фойдаландик.

Натижалари: Тадқиқотимизда робототехника таълими йўналишида инглиз тилини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш ва талабаларда терминологик лексикани ривожлантириш бўйича муаммоларни ўрганиш ва робототехника таълими йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини оширишда терминологик лексиканинг ўрни ва аҳамиятининг таҳлили кўрсатилиб ўтилади.

Хулоса: Робототехника йўналишидаги талабаларга ESP (English for specific purpose) яъни мақсадли инглиз тилини ўқитишда махсус соҳа

бўйича инглиз тилида терминологияни билиш кўникмаларини шакллантириш ўқувчиларда касбий компетентликни ривожланишига катта хисса қўшади.

Кириш.

Жаҳонда робототехника йўналишида тахсил олувчи талабаларнинг касбий компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда интегратив ёндашув, техник малакалар, тил борасидаги кўникма, профессионал этика ва бошқарув маҳоратини ривожлантиришда инглиз тили фанини ўқитиш ва терминологик лексикани ўргатиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан робототехника



йўналишидаги талабаларнинг луғавий бойлигини ошириш бўлажак муҳандиснинг касбий компетенциясини ривожлантириш заруриятини изоҳлайди.

Жахон амалиётида роботатехникага оид турли қатлам вакилларига йўналтирилган халқаро лойихалар Lego Technic, Lego Mindstorm (болалар учун), ECOVACS (Хиндистон, ўсмирлар учун), илмий ва амалий мақсадларга йўналтирилган “Космические путешествия”(Россия) тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, ушбу хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорлик тадқиқотларини олиб бориш заруриятга айланганини изоҳлайди.

Хозирги даврда саноат ва иқтисод ривожланган глобаллашув жараёнида яшар эканмиз мамлакатимиз жахон ҳамжамиятида ўзининг хар соҳада айниқса машинасозлик ва роботатехника соҳасидаги ютуқлари билан муносиб ўрин эгаллаб бораётган бир пайтда роботехника соҳаси мутахассисларининг етук касбий компетенцияга ва дунё сўзлашув тили бўлмиш инглиз тилида ўз соҳаси бўйича нутқий компетенцияга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикамизда чет тилларни ўқитишда касбий компетенцияни ривожлантиришга йўналган холда ўқитиш, хусусан, бўлажак муҳандислик ихтисослигининг роботатехника йўналиши талабаларини инглиз тилидаги лексик терминологик билимларини ошириш орқали уларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш масаласи махсус ўрганилмаганлиги, роботехника йўналиши талабаларининг чет тилида

касбий компетенциясини оширишга қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмагани эътиборимизни тортди ва ушбу масалага жиддий эҳтиёж борлиги сезилди.

Республикамизда

«Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Бунда чет тилни коммуникатив фаолият кўрсатиш, касбий компетенцияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш; хорижий тажрибаларни ўрганиш ва чет тилларни пухта ўзлаштирган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-5117-сонли қарори ушбу илмий тадқиқотимиз учун муайян даражада хизмат қилади.

Илмий изланишларимиз жараёнида биз бир қатор маҳаллий ва хориж олимларининг тадқиқот ишлари билан яқиндан танишиб чиқдик. Чет тилларни ўқитиш методикаси бўйича мамлакатимизда Д.У.Хошимова, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, Г.Т.Махкамова, И.М.Тўхтасинов, Бойматова С.К, Ирискулов М.Т. каби олимларнинг ишлари мавжуд. Нофилологик йўналишларда турли ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг ишларини



ўрганлик. Жумладан, Саматова Б. Р. “Инглиз тилини ўқитишда нофилологик йўналиш талабаларининг мотивацияси” (юриспруденция йўналиши мисолида), Қушиева Н. Х. қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларига инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашувларга асосланган модулли тизимини яратиш устида иш олиб борган бўлса, Икромхонова Ф.И. “Инглиз тилидан коммуникатив-когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти” (нолисоний олий ўқув юртлари мисолида), Исроилова Д.М “Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (Технология факультети мисолида), Абдуллаева С.Х. “Рус тилини ургатишда нофилологик ОТМ талабаларини инфокоммуникацион технологияси лексикасига ўқитиш” каби илмий ишлар турли соҳа вакиллари чет тилига ўқитиш бугунги давр талаби эканлигидан далолат беради.

МДХ давлатларида чет тилларни ўқитишда касбий компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари билан Котельников Н.Г, Крупченко А.К, Умникова Е. Л., Дедова О. Ю., Беспалова Н.А, Мильруд Р.П, Матухин Д.Л, Галъскова Н.Д ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Хорижий мамлакатларда инглиз тилини ўқитиш масалалари Хатченсон Т, Дудлей Эванс, Баштуркмен Х, Анна Мария Стоика , Жаожун Чан, Янтай Наншан томонидан ўрганилган. Аммо робототехника йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини оширишга қаратилган илмий изланишлар мавжуд

эмаслиги бизларни бу масалага эътиборли бўлишга ундади.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади нафақат робототехника йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини ошириш, балки терминологик лексикани ўқитиш ҳам ушбу муаммони ҳал этишда аҳамиятли эканини исботлашдир. Мақсадимизга эришиш учун биз қуйидаги вазибаларни ўзимизга белгилаб олдик:

- робототехника таълими йўналишида инглиз тилини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш ва талабаларда терминологик лексикани ривожлантириш бўйича муаммоларни ўрганиш;

- робототехника таълими йўналиши талабаларнинг касбий компетентлигини оширишда терминологик лексиканинг ўрни ва аҳамиятининг таҳлили;

- ўқув дастурининг таркибий қисмларидан бири - робототехникага йўналтирилган мавзуларнинг хусусиятларини аниқлаш ва такомиллаштириш;

- робототехника таълими йўналиши талабаларнинг касбий компетентлигини оширишда касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишнинг технологияларини такомиллаштириш;

- робототехника 3 курс талабаларини кўникмалар интеграцияси ёрдамида касбга йўналтирилган инглиз тилини ва терминларни нутқда қўллай олиш бўйича машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

- таклиф этилган технологиялар асосида робототехника таълими йўналиши талабаларининг касбий



компетентлигини ривожлантиришда терминологик лексиканинг шаклланганлик даражасини билиш юзасидан тажриба синов ишларини ташкил этиш.

Тадқиқотимиз объекти сифатида биз робототехника йўналишдаги олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тилида лексик терминологияни ўргатиш ёрдамида касбий компетенциясини ривожлантириш жараёнини олган бўлсак, предмети этиб ушбу йўналишдаги талабаларининг касбий

компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакллари ва усуллари деб белгилаб олганмиз. Тадқиқотни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнида биз бир қатор усуллардан фойдаландик. Жумладан назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш), диагностик (сўровлар, сухбат, сўровнома, кузатиш), прогнозтик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба ва математик методлар, маълумотларни статистик қайта тиклаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи, 2012.– 432с.;
2. Тухтасинов И.М. Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.: Дис. ...д-ра пед. наук.(DSc). –Ташкент., 2018. -203с
3. Ирискулов М.Т. ESP тил куникмаларини ривожлантириш усуллари // Филология масалалари илмий-методик журнал, 2017. №4. - Б. 144-148
4. Мильруда Р.П. Определение понятия и сущности обучения английскому языку в специальных целях. Электронный ресурс: <https://www.iyazyki.prosv.ru> (дата обращения: 11.01.2019);
5. Матухин Д.Л. Профессионально-ориентированное обучение иностранному языку студентов лингвистических специальностей. –Томск. Электронный ресурс: <https://www.iyazyki.prosv.ru> (дата обращения: 16.03.2018);
6. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам // Лингводидактика и методика: учеб, пособие для студ. лингв. ун-тов и фак, ин.яз. высш. пед. учеб. заведений.– Москва., 2006.- 81с.;
7. Anna–Maria Stoica. Methods for the assessment of ESP. // Universities din Pitesti/-2006. 326-329pp.;
8. Dudley-Evans T, John M. Developments in English for specific purposes A multi-disciplinary approach / Cambridge University Press, 1998. - 298 p
9. Hutchinson T. and Waters A. English for specific purposes: a learning-centered Approach, Cambridge university press. Cambridge, 1987. - 183 p.;